Ўзбекистон Республикаси **Хоразм вилояти** **Халқ депутатлари** **Урганч шаҳар Кенгаши** **ҚАРОРИ**		**O`zbekiston Respublikasi** **Xorazm viloyati** **Xalq deputatlari** **Urganch shahar Kengashi** **QARORI**

220100, Урганч шаҳар, Абулғози Баҳодирхон кўчаси, 186-уй

«31» декабр 2020 йил **№ 27-89** **Урганч шаҳри**

Урганч шаҳар 2021 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 24 декабрдаги 01/03-03-01-32/252-сонли хати ҳамда Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг 2020 йил 31 декабрдаги XXI-сонли қарорига мувофиқ, 2021 йил учун шаҳар маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Урганч шахар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2021 йилги Урганч шахар (кейинги ўринларда Шаҳар деб аталади) маҳаллий бюджетига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 58,0 млрд.сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонуннинг 12-моддасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларига тегишли даражадаги маҳаллий бюджетларга ажратиладиган солиқларни ва бошқа турдаги даромадларни ҳамда бюджетлараро трансфертларни тақсимлаш ваколатидан келиб чиқиб, 2021 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари шаҳар бюджетига тўлиқ ўтказиб берилади:

– жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

– жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

– жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

– сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқдан мустасно;

– қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

– айланмадан олинадиган солиқ;

– юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

– ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушган пул маблағлари;

– давлат ихтиёридаги ер майдонлари, бино ва иншоатларда реклама конструкцияларини ўрнатишга рухсат олиш учун тўланадиган йиғимлар, шунингдек ўрнатилган ташқи реклама объектлари учун тўланадиган ойлик тўловлар;

– маҳаллий бюджетга ундириладиган ижара тўловлари.

б) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоят бюджети ҳамда шаҳар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

– юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

– якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи;

– жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.

3. 2021 йил учун шаҳарнинг шаҳар бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари **1-иловага** ҳамда харажатлар прогноз кўрсаткичлари **2-иловага** мувофиқ маъқуллансин.

4. Шаҳарнинг шаҳар бюджетидан 2021 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

5. Шаҳар бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин. Бунда, ажратма меьёрлари бўйича шаҳар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда шаҳар Ғазначилик бўлинмаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

6. 2021 йил учун шаҳар бюджети даромадлар ва харажатлар прогноз кўрсаткичлари **5-иловага** мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

7. Шаҳар бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари **6-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини шаҳар бюджети даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгилансин.

8. 2021 йил учун шаҳарнинг шаҳар бюджети заҳира жамғармаси ҳажмлари **1,239 млрд.сўм** миқдорида белгилансин.

Шаҳар ҳокимлиги заҳира жамғарма маблағларини шаҳар бюджетида

кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

9. 2021 йил учун шаҳар бюджетининг айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори **7-иловага** мувофиқ белгилансин.

10. Шаҳарнинг шаҳар бюджетида шаклланган қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар тегишли равишда халқ депутатлари шаҳар Кенгашлари томонидан шаҳар ҳокимликларининг таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилиш мақсадида қабул қилиниши белгилансин.

11. Шаҳар ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорда келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Вилоят ҳокимиятига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритади.

12. Шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетларнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

13. Шаҳар ҳокимлиги:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

14. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббусига кўра амалга ошириладиган қўшимча тадбирларни молиялаштириш фақат шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

15. Шаҳар ҳокими бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш

ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш ва бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши ва халқ депутатлари шаҳар Кенгашларига йилнинг хар чорагида ҳисобот бериб борсин.

16. Шаҳар ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

17. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва шаҳар ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгаши сессияси раиси **Н.Гайипова**

Халқ депутатлари
Урганч шаҳар Кенгашининг
2020 йил «31» декабрдаги
2789-сонли қарорига
1-илова

Хоразм вилояти маҳаллий бюджетларининг 2021 йилги асосий даромад кўрсаткичлари тўғрисида

МАЪЛУМОТ

минг.сўмда

№	Даромад тури	Урганч шаҳри
	Жами даромадлар	**67 128 280**
I.	**Рағбатлантирувчи (Стимулирующие) даромад**	
	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	*199 597 000*
	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	*43 856 000*
II.	**Бириктирилган даромадлар**	**55 346 560**
	Туман ва шаҳарларга бириктирилган	**35 018 254**
1	Ягона солиқ тўлови	17 625 171
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)	4 974 551
3	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	3 864 748
4	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ норуда	613 445
5	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	6 993 251
6	Ижара тўловлари	947 088
	Вилоят ва туман (шаҳар)лар бюджетлари ўртасида тақсимланадиган даромадлар	**20 328 306**
1	Бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ (АЗС)	23 323 912
2	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	16 593 400
3	Юридик шахслар ер солиғи	15 807 916
	ажратма меёри	***100***
	маҳаллий бюджетга	15 807 916
4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	4 520 390
	ажратма меёри	***100***
	маҳаллий бюджетга	4 520 390
5	Йиғимлар	46 906 000
III.	**Тақсимланувчи даромадлар (формула бўйича)**	**11 781 720**
	Аҳоли сони (минг киши)	*144*
15.	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	7 650 450
16.	Мобил алоқага акциз солиғи	4 131 270
	Маълумот учун: 2019 йил параметр	*60 700 240*
	ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР	**125 145 449**
	ТРАНСФЕРТЛАР	**58 017 169**

Халқ депутатлари
Урганч шаҳар Кенгашининг
2020 йил «31» декабрдаги
27-89 -сонли қарорига
2-илова

Хоразм вилояти маҳаллий бюджетларининг 2021 йилги асосий МАЪЛУМОТ

минг.сўмда

	Кўрсаткичлар	Урганч шаҳри
	ХАРАЖАТЛАР-ЖАМИ	**125 145 449**
1.	**ИЖТИМОИЙ СОҲА ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ХАРАЖАТЛАР - ЖАМИ**	**91 593 855**
	шу жумладан:	
1.1	Маориф	32 851 841
	- мактабгача таълим	21 187 816
	- умумий таълим	11 664 025
1.2	Соғлиқни сақлаш	33 104 810
1.3	Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари	2 554 632
	- маданият ва оммавий ахборот воситалари	766 484
	- спорт	1 788 148
1.4	Фан	
1.5	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар	23 082 572
2.	**ИҚТИСОДИЁТГА ХАРАЖАТЛАР**	**24 082 073**
	шу жумладан:	
2.1	Ободонлаштириш	23 359 554
2.2	Ветеринария қўмитаси	722 519
3.	**ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИ САҚЛАШ**	**4 413 257**
	шу жумладан:	
3.1	Давлат бошқарув идоралари	4 413 257
4.	**ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИ САҚЛАШ**	**3 817 200**
5.	**ЗАҲИРА ЖАМҒАРМАСИ**	**1 239 064**
	ЖАМИ ДАРОМАДЛАР	**67 128 280**
	ТРАНСФЕРТ	**58 017 169**

Халқ депутатлари
Урганч шаҳар Кенгашининг
2020 йил «31» декабрдаги
27-89 -сонли қарорига
3-илова

2021 йил учун Урганч шаҳар бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган кенгаш ажратмаларининг чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Шаҳар ҳокимлиги томонидан киритилган
	Харажатлар миқдори, Жами	**125 145 449,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**125 145 449,0**
1.	**Халқ таълими бўлими**	**11 664 025,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	11 664 025,0
2.	**Мактабгача таълим бўлими**	**21 187 816,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	21 187 816,0
3.	**Тиббиёт бирлашмаси**	**33 104 810,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	33 104 810,0
4.	**Маданият бўлими**	**766 484,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	766 484,0
5.	**Жисмоний тарбия ва спорт бўлими**	**1 788 148,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 788 148,0
6.	**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими**	**722 519,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	722 519,0
7.	**Молия бўлими**	**23 082 572,0**
	шу жумладан:	
	иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақалар миқдорларини ва айрим хизмат турлари бўйича тарифларни ошиши билан боғлиқ харажатлар (индексация харажатлари)	23 082 572,0
8.	**Ободонлаштириш бошқармаси**	**23 359 554,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	23 359 554,0
9.	**Ҳокимият**	**9 469 521,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	9 469 521,0

Халқ депутатлари
Урганч шаҳар Кенгашининг
2020 йил «31» декабр даги
27-89-сонли қарорига
4-илова

Умумдавлат солиқларидан шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Айланмадан солиқ	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Акциз солиғи: - бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	Сув ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ	Ижара тўловлари
1	Урганч шаҳри	100		100			100	100	100	100	100	100

Халқ депутатлари
Урганч шаҳар Кенгашининг
2020 йил «31» декабр даги
27-89 -сонли қарорига
5-илова

Шаҳар маҳаллий бюджетининг 2021 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

минг сўмда

Ҳудуд номи	Даромад	Харажат
ЖАМИ	**67 128 280,0**	**125 145 449,0**
Урганч шаҳри	67 128 280,0	125 145 449,0

Халқ депутатлари
Урганч шаҳар Кенгашининг
2020 йил «31» декабр даги
27-89 -сонли қарорига
6-илова

Шаҳар маҳаллий бюджетининг 2021 йилги юқори бюджетдан

минг сўмда

Шаҳар ва туманлар	Тартибга солувчи трансферт миқдори
ЖАМИ	**58 017 169,0**
шундан	
Урганч шаҳри	58 017 169,0

Халқ депутатлари
Урганч шаҳар Кенгашининг
2020 йил «27» декабр даги
27-89 -сонли қарорига
7-илова

Шаҳар маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/р	Ҳудуд номи	Миқдор
	ЖАМИ	**860 000,0**
	шундан	
1	Урганч шаҳри	860 000,0